

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2021.1.16.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САМАДҚУЛОВ МУХАММАД ИСЛОМ ЎҒЛИ

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации

Contents of the Doctoral (PhD) dissertation abstract

Самадқулов Мухаммад Ислом ўғли

Миллий иқтисодиётнинг инновацион салоҳиятидан самарали
фойдаланиш йўллари..... 3

Самадқулов Мухаммад Ислом угли

Пути эффективного использования инновационного потенциала
национальной экономики..... 29

Samadkulov Muhammad Islom ugli

Ways to effectively use the innovative potential of the national economy..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 64

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2021.1.16.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САМАДҚУЛОВ МУХАММАД ИСЛОМ ЎҒЛИ

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИННОВАЦИОН
САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Iqt1963 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мамбетжанов Қаҳрамон Қурбандурдиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Расулев Алишер Файзиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Шокирова Фароғат Болтаевна
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2021.I.16.03 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «23» 01 соат 1400 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. тел. (71) 239-28-72, (71) 239-28-72, факс: (71) 239-28-72, e-mail: tsue@tsue.uz

Диссертация иши билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1234 -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. тел. (71) 239-28-72, (71) 239-28-72, факс: (71) 239-28-72, e-mail: tsue@tsue.uz

Диссертация автореферати 2023 йил «09» 01 да тарқатилди.
(2023 йил «23» 01 даги 29 рақамли реестр баённомаси)



С.К. Худойкулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Б.Д. Хажиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Н.М. Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ресурслар чекланганлиги билан бир қаторда глобаллашув тенденцияларининг чуқурлашуви ва рақобатнинг кучайиши, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг мураккаблашуви ҳамда товар ва хизматлар диверсификациясининг кенгайиши шароитида инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. “Инновацион салоҳиятни ошириш бўйича жаҳонда етакчи 10 та мамлакат, яъни, Швейцария, Нидерландия, Швеция, Буюк Британия, Сингапур, АКШ, Финляндия, Дания, Германия ва Ирландиялар йилига ЯИМга нисбатан ўртача 2,5-4,0 фоиз атрофида маблағлар ажратмоқда”¹. Бугунги кунда жаҳон бозорида рақобатнинг тобора кучайиб бориши шароитида ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг энг асосий омиллардан бири бўлган инновацион салоҳият даражасини ошириш билан бир қаторда ундан самарали фойдаланиш долзарб муаммо ҳисобланмоқда.

Жаҳонда кейинги йилларда инновацион салоҳият, хусусан, илмий-техник, инвестицион, интеллектуал, инфратузилмавий ва малакали ишчи кучи салоҳиятини ошириш, улардан самарали фойдаланишга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада интеллектуал салоҳиятни ностандарт ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда ошириш, инфратузилмавий фаолиятни молиявий дастаклардан фойдаланган ҳолда рағбатлантириш, миллий инновацион тизимнинг самарали амал қилиш механизмларини хусусий ва давлат тузилмалари интеграциясини оптимал уйғунлаштириш ҳамда инновацион салоҳиятдан модернизациялашув ва диверсификация даражасини оширишда унумли фойдаланиш каби йўналишдаги тадқиқотлар устувор даражада бажарилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиёт соҳаларига инновацияларни кенг жорий қилиш, инновацион фаолият субъектлари, айниқса, саноат ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, технопарклар, трансфер марказлари, инновацион кластерлар, венчур ташкилотлар, бизнес-инкубаторлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш кабилар юзасидан кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, мамлакатда “...Глобал инновацион индексида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш ва 2030 йилга қадар рейтингнинг топ-50 мамлакатлари қаторига кириш”² вазифаси белгилаб берилган. Бу борада миллий инновацион салоҳиятни баҳолаш механизмини назарий-услубий жиҳатдан такомиллаштириш, инновацион кластерларни давлат-хусусий шерикчилик асосида самарали шакллантириш, хусусий сектор ва ҳудудларнинг инновацион фаолиятини молиявий воситалар асосида рағбатлантириш, уларни амалга ошириш механизмини самарали ташкил этиш каби йўналишлардаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹ <https://www.vestifinance.ru/articles/104063>; https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2018-chapter3.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

стратегияси тўғрисида”, 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 5 майдаги ПҚ-3697-сон “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон “Иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларига инновацияларни жорий қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3899-сон “Илмий ва инновацион фаолиятни интеграция қилиш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакат инновацион салоҳиятидан фойдаланиш даражасини оширишнинг назарий-услубий жиҳатлари хориж олимлари томонидан муайян даражада ўрганилган.³ Жумладан, инновацион салоҳият ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар Ж.Шумпеттер, З.Гриличез, М.Фельдштейн, З.Жеймс, Ж.Хайнс, З.Гленн, халқаро савдо ва ташқи инвестицияларнинг инновацион салоҳиятга таъсири К.Хугас ва М.Парамешваран, кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш механизмлари П.Друккер, С.Фриман, миллий инновацион тизимни шакллантириш муаммолари Б.Ландвалл, Р.Нелсон ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

³ Schumpeter J. Theorie der wirtschaftlichen Entwicklung – Berlin: Duncker & Humblot, 1912.; Griliches, Z. (1979) Issues in assessing the contribution of research and development to productivity growth. // Bell Journal of Economics 10. pp. 92-116.; Griliches Z. (1998) R&D and Productivity: The Econometric Evidence. Chicago: University of Chicago Press.; Hines J., (1995a) Taxes, Technology Transfer and R&D by Multinational Firms. In: Martin Feldstein, James R. Hines Jr., R. Glenn Hubbard (ed). Taxing Multinational Corporations. University of Chicago Press, pp. 51-62.; Hughes, K. (1986) Export and Technology. Cambridge University Press, Cambridge, UK.; Parameswaran, M. (2010) International Trade and R&D Investment: Evidence from Manufacturing Firms in India. Int. J. Technology and Globalisation, Vol. 5, Nos. 1/2, pp. 43-60.; Drucker P. Innovation and Entrepreneurship. Practice and Principles. – London: Heinemann, 1984.; Freeman C. Technology and Economic Performance: Lessons from Japan. – London: Pinter Publishers, 1987.; Lundvall B. (ed.). National Innovation Systems: Towards a Theory of Innovation and Interactive Learning. London: Pinter Publishers, 1992.; Nelson R. (ed.). National Innovation Systems. A Comparative Analysis. – New York/Oxford: Oxford University Press, 1993.

Инновацион салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг илмий-амалий жиҳатларини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқот ишлари МДХ мамлакатларидаги қатор олимларнинг изланишларида маълум даражада тадқиқ этилган.⁴ Жумладан, инновацион салоҳият таркибини таҳлил қилиш ва баҳолаш Н.Кондратьев, В.Васильцов, А.Большов, А.Белоусов, В.Марцинкевич, И.Соболева, илмий-техник ва тажриба-конструкторлик ишларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари Б.Мочалов, Л.Лопатников, Ж.Петровская, Л.Давидова, С.Маркина, инновацион салоҳият даражасини баҳолаш А.Татаркин, Е.Макарова, Л.Иноземцева, В.Мельянцев, Р.Фатхутдиновларнинг илмий изланишларида ўрганилган.

Ўзбекистонлик олимлар томонидан мамлакат инновацион салоҳиятини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш даражасини оширишнинг умумий жиҳатлари муайян даражада ўрганилган ва ушбу йўналишдаги тадқиқотлар давом этмоқда.⁵ Жумладан, мамлакат инновацион салоҳиятини алоҳида тармоқ, соҳа ва худудлар кесимида баҳолаш ҳамда интеллектуал салоҳиятни

⁴ Кондратьев Н. Большие циклы конъюнктуры // Вопросы конъюнктуры. Том 1, Выпуск 1, 1925.; Васильцов В.С. Развитие инновационного потенциала в рыночной экономике. // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. -Череповец. 2003. -59с.; Большов А.Г. Формирование инновационного потенциала социально-экономического роста в системе общественного воспроизводства. // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. -М.: 2008. -63с.; Белоусов Р.А. Рост экономического потенциала. -М.: Экономика, 1971. -с.3.; Марцинкевич В.И., Соболева И.В. Экономика человека: Учеб.пособие для вузов. М.: Аспект Пресс, 1995. -с.51.; Мочалов Б.М. Экономический потенциал развития капитализма. // Монография. -М.: Экономика, 1982. -с.7.; Лопатников Л.И. Экономико-математический словарь // Словарь современной экономической науки. Изд.4-е, -М.: изд-во "АВФ". 1996. -с.621.; Петровская Ж.А. Влияние инновационного потенциала на экономический рост. // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. -Саратов. 2009. -61с.; Давыдова Л.В., Маркина С.А. Инвестиционный потенциал как основа экономического роста // Финансы и кредит. 2007. № 31 с.271.; А.И.Татаркин Социально-экономический потенциал региона: проблемы, оценки, использования и управления. // -Екатеринбург. УрО РАН. 1997. -с.20.; Макарова Е.С. Совершенствование оценки инновационного потенциала региональной хозяйственной системы. // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. -Казань. 2013. -63с.; Иноземцев В.Л. Новая постиндустриальная волна на Западе. Антология. // -М.: Academia, 1999. -с.81.; Мельянцев В. Информационная революция - феномен, «новой экономики»// Мировая экономика и международные отношения 2001. №2. -с.3-10.; Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. - М.: Интел-Синтез, 2000.- с.9.

⁵ Гуломов С.С. Инновацион иқтисодиётда янги терминология: «ақлли таълим». // Илм-фан ва инновацион ривожланиш. №3. 2018. 17-22-б. Зайнутдинов Ш.Н. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. 2011. № 1.; Вахобов А. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари // Бозор, пул ва кредит. - Т.: 6/2011. 38-42 б.; Вахобов А.В., Разыкова Г.Х. Модернизация экономики. Уч. Пособие. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2014. -263с.; Расулов Н.М Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш услубиётини такомиллаштириш // Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши автореферати. - Т.: ТДИУ, 2021. – 62 б.; Нурумбетов Р. Инновацион салоҳият – замонавий иқтисодиётни ривожлантириш пойдевори. BIZNES-ЭКСПЕРТ. 2017. №5. 46-56 б.; Шокирова Ф.Н. Инновациялар асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг айрим назарий жиҳатлари. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. 2018. №5.; Ёўлдошев Н.К., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д. Инновацион менежмент. Дарслик. -Т.: ТДИУ. 2011. -438б.; Камилжанов Б.И. Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш. Монография. -Т.: Фан. 2007. -162 б.; Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. -Т.: "Barkamol avlod media". 2017. -784 б.; Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. «Fan va texnologiya». 2017. -649 б.; Абулқосимов Х.П. Макроиқтисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши. Монография. -Т.: Akademiya, 2011. -188 б.; Махмудов Н.М. Иқтисодий ўсиш моделлари ва улардан макроиқтисодий таҳлилда фойдаланиш йўллари // Иқтисод ва молия. - Т.: 2016. №3. 2-8 б.; Расулов А.Ф. Ўзбекистон: Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш // Монография. -Т.: "KONSAUDITINFORM", 2011. – 408 б.; Мадрахимов У.А. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида барқарор ўсиш сифатини ошириш. // Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши автореферати. - Т.: ТДИУ, 2017. -62 б.

ошириш муаммолари С.С.Ғуломов, Ш.Н.Зайнутдинов, А.В.Вахабов, Н.М.Расулов, З.Т.Гаипназарова, инновацияларни инвестициялаш ва иқтисодий ўсишнинг сифат кўрсаткичлари ҳамда инновацион салоҳият ўртасидаги мутаносиблик Р.Нурумбетов, Ф.Б.Шакирова, Д.Шадиева, инновацияларни бошқариш механизмларини такомиллаштириш Н.Қ.Йўлдошев, Ш.А.Мирсаидова, Б.И.Камилжанов, миллий иқтисодиёт инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг умумназарий жиҳатлари Б.Ю.Ходиев, Т.Т.Жўраев, Х.П.Абулқосимов, А.Ф.Расулев, Н.М.Махмудов, У.А.Мадрахимовларнинг тадқиқот ишларида баён этилган.

Бироқ, амалга оширилган тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишлар асосан инновацияларнинг иқтисодий мазмуни, инновацион салоҳиятни ошириш, унга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш ва шу асосда прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш масалаларига қаратилган. Улар илмий тадқиқотларида инновацион салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари иккинчи даражали муаммо сифатида қолиб кетган. Мазкур ҳолат муаммонинг долзарблик даражаси янада ошишига ва ушбу мавзуни танлашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-1 «Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлашнинг илмий-методик асослари ва усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миллий иқтисодиётнинг инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инновацион салоҳият ва уни ривожлантиришга қаратилган турли хил илмий-назарий қарашларни таҳлил қилиш;

инновацион салоҳиятнинг мазмуни, таркиби, амал қилиш тамойиллари ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш;

республиканинг инновацион салоҳиятидан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш;

инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланишнинг хориж тажрибалари ва уларни Ўзбекистонда қўллашнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

инновацион салоҳиятдан фойдаланиш даражасини ошириш механизмларини такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикасидаги инновацион жараёнлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини мамлакатда инновацион салоҳиятни ошириш ва ундан фойдаланиш жараёнларида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқоти жараёнида диалектик, тарихийлик ва мантиқийлик, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция,

иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик, корреляцион ва регрессион таҳлил, илмий абстракциялаш, Naive, Box-Jenkins, ARIMA ва бошқа усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миллий инновацион салоҳиятни баҳолашнинг таркибий қисмлари, хусусан молиявий, моддий, кадрлар бўйича ва натижавий таркибини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига умумлашган ҳолда ёндашишнинг мақсадга мувофиқлиги назарий-услубий жиҳатдан асосланиб, унга кўра инновацион салоҳиятни баҳолаш услубияти такомиллаштирилган;

инновацион кластерларни давлат-хусусий шерикчилик асосида шакллантириш орқали миллий инновацион салоҳиятни устувор ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш, инновацион-саноат кластерлари ва улар иштирокчиларининг оптимал таркиби назарий-услубий жиҳатдан асослаб берилган;

миллий инновацион салоҳиятни ошириш механизми хусусий сектор инновацион фаолиятини молиявий воситалар асосида рағбатлантириш, ҳудудларда инновацион кадрлар тайёрлашни устувор ташкил қилиш ва илмий кадрларни такрор ҳосил қилиш ёндашувига кўра такомиллаштирилган;

инновацион лойиҳаларни молиялаштириш механизмини молия-саноат гуруҳларини ташкил қилиш ва улар фаолиятини давлат томонидан монетар воситалар асосида қўллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллий иқтисодиётнинг инновацион салоҳиятини баҳолаш бўйича янгича услубий ёндашув ишлаб чиқилган;

мамлакат инновацион салоҳияти ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ўртасидаги корреляцион-регрессион боғлиқликнинг эконометрик моделлари ишлаб чиқилган;

республиканинг инновацион салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда илмий фаолият билан шуғулланадиган кадрларни қайта тайёрлаш механизмини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар берилган;

инновацион салоҳиятдан фойдаланиш даражасини ошириш механизми мамлакатда ўртача даромадга эга бўлган олий маълумотли мутахассислар салмоғини ошириш ҳисобига такомиллаштирилган;

инновацион кластерларни ташкил қилиш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосида мамлакат инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазилиги, Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотларидан олингани ҳамда хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хулоса ва таклифлардан келажакда мамлакат

инновацион салоҳиятини оширишга қаратилган махсус мустақил илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш ҳамда республиканинг инновацион салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация ишида ишлаб чиқилган тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан инновацион салоҳиятдан фойдаланиш даражасини оширишга мўлжалланган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда, олий ўқув юртлирида «Инновацион иқтисодиёт», «Инновацион менежмент», «Макроиқтисодиёт», «Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси», «Иқтисодий ривожланиш назариялари», «Иқтисодиёт назарияси» фанлари бўйича ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллий иқтисодиётнинг инновацион салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

миллий инновацион салоҳиятни баҳолашга комплекс ёндашишган ҳолда унинг таркибий қисмлари, хусусан, молиявий, моддий, кадрлар бўйича ва натижавий таркибини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига умумлашган ҳолда ёндашиш бўйича таклифдан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан мамлакатнинг инновацион салоҳиятини аниқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сон “2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 22 июндаги 05/32-01/10-37 сонли маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий қилиниши истиқболда инновацион соҳадаги ўзгаришларнинг реал ҳолатини баҳолашнинг аниқлик даражасини ошириш ва бюджет маблағларини муайян даражада тежашга хизмат қилган;

инновацион кластерларни давлат-хусусий шерикчилик асосида шакллантириш орқали миллий инновацион салоҳиятни устувор ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш, инновацион-саноат кластерлари ва улар иштирокчиларининг оптимал таркибини белгилаш бўйича берилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан “Инновацион фаолиятни давлат томонидан молиялаштириш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг 2022 йил 12 майдаги 05-10/1110-сонли ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан 2022 йил 22 июндаги

05/32-01/10-37-сонли маълумотномалари). Мазкур таклифлар республикада давлат-хусусий шерикчилиги асосида инновацион корхоналарни ташкил қилиш, уларнинг капиталлашув даражасини ошириш, инновацияларга инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, давлат томонидан молиялаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

миллий инновацион салоҳиятни ошириш механизмини хусусий сектор инновацион фаолиятини молиявий воситалар асосида рағбатлантириш, ҳудудларда инновацион кадрлар тайёрлашни устувор ташкил қилиш ва илмий кадрларни такрор ҳосил қилиш ёндашувига кўра такомиллаштириш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан “Хусусий секторда инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва илмий соҳа ходимлари сонини ошириш чора-тадбирлари”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 22 июндаги 05/32-01/10-37-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий таклифнинг амалиётга жорий қилиниши инновацион корхоналар ва ходимлар сонини кўпайтириш ҳамда улар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади;

инновацион салоҳиятдан фойдаланиш даражасини оширишда молия-саноат гуруҳлари фаолиятини давлатнинг монетар воситалари асосида қўллаб-қувватлаш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси томонидан “Инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва тартибга солиш бўйича чора-тадбирлари”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитасининг 2022 йил 12 майдаги 05-10/1110-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф республикада инновацион салоҳиятни ошириш ва инновацион фаолиятга хусусий секторни самарали жалб қилишнинг қўшимча имкониятларини асослашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 дан ортиқ республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 146 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва илмий аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг республикада олиб борилаётган фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги ва синовдан ўтганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Миллий иқтисодиёт инновацион салоҳиятини тадқиқ қилишнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобда инновацион салоҳият тўғрисидаги турли хил назария ва концепциялар, унинг мазмуни, таркиби ва амал қилиш тамойиллари, инновацион салоҳият шаклланиши ва ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилиниб, мамлакатда мавжуд инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланиш даражасини оширишнинг объектив зарурлиги илмий асосланган.

Иқтисодий адабиётларда инновацион салоҳият тушунчаси асосан илмий, интеллектуал, илмий-техник салоҳият билан тенглаштирилади. Аксарият тадқиқотларда муаллифлар инновацион салоҳиятнинг айрим томонларини тадқиқ қилишган ва масалага бир томонлама ёндашишган.

Муаллиф фикрича, инновацион салоҳият деганда, биринчидан, инновацион фаолиятни амалга оширувчи турли хил ресурслар мажмуи, иккинчидан, такрор ишлаб чиқариш жараёнида инновацион салоҳиятни шакллантириш ва кенгайтиришга қаратилган хўжалик субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тушунилади.

Ушбу таърифда инновацион салоҳият иқтисодий тизим ривожланишининг ресурс имкониятлари билан биргаликда, ишлаб чиқариш муносабатлари такомиллашишини ҳам ифодалайди. Бу асосан, инновацион ва илмий-техник салоҳиятнинг ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилишида намоён бўлади.

Тадқиқотлар инновацион салоҳиятнинг таркибий қисмларини аниқлашда олимлар ягона фикрга келмаганликларини кўрсатди. Масалан, айрим олимлар инновацион салоҳиятнинг таркибий қисмлари турли хил ресурслардан иборат эканлигини таъкидлашса, бошқалари, моддий, молиявий ва интеллектуал унсурларидан иборат эканлигини кўрсатишади.

Муаллиф фикрича, инновацион салоҳиятнинг энг асосий таркибий қисми бўлиб - молиявий, моддий ва техник, ходимлар, ахборот, ташкилий, бошқарув ва илмий-техник унсурлар ҳисобланади (1-жадвал).

Инновацион салоҳиятни ташкил қилувчи унсурлар⁶

	Асосий унсурлар	Мазмуни
1	Молиявий	Минтақавий ва тармоқ дастурлари ҳамда махсус мақсадли дастур ва шартнома-буйруқлар, устувор тармоқларнинг буюртмалари доирасида молиялаштирилиши
2	Моддий ва техник	Замонавий инновацион ва ахборот технологиялари, компьютер тизимлари, замонавий ускуналар; материаллар, лаборатория ва офис ускуналари
3	Ходимлар таркиби	Ташкилотчи олимлар ва мутахассис олимлар: уларнинг сони, билим соҳалари бўйича тузилиши, малакаси
4	Ахборот	Илмий ва техник адабиёт, патентлар, ихтиролар, янги юқори технологиялар, тизимлар ва жиҳозлар бўйича, мамлакатдаги, шу билан бир қатода, хорижий давлатлардаги инновациялар ва инновация фаолияти тўғрисида турли хил илмий ахборот ва маълумотлар тўплами; Миллий ва халқаро ахборот тармоқларига киритилган компьютер тизимлари;
5	Ташкилий	Илмий муассасалар тармоғи, лойиҳалаштирувчи ташкилотлар ва инновацион корхоналар
6	Бошқарув	Моддий ва интеллектуал маҳсулот ишлаб чиқариш қобилятига эга бўлган инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий шакллари
7	Илмий-техник	Ихтиролар, товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари, саноат намуналари, моделлар, ноу-хау, инновацион дастурлар ва лойиҳалар

Инновацион салоҳиятини объектив равишда, ҳар томонлама тадқиқ қилиш жараёнида унга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва таснифлаш муаммоси вужудга келади. Мазкур муаммо долзарб бўлишига қарамасдан, ҳозирги кунгача етарли даражада ўрганилмаган.

Ушбу муаммо бўйича тадқиқот олиб бораётган бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра,⁷ инновацион салоҳиятга таъсир қилувчи омиллар глобал, макро, мезо ва микродаражаларда таъсир кўрсатади.

⁶ Муаллиф ишланмаси

⁷ Drucker P. Innovation and Entrepreneurship. Practice and Principles. – London: Heinemann, 1984.; Freeman C. Technology and Economic Performance: Lessons from Japan. – London: Pinter Publishers, 1987.; Lundvall B. (ed.). National Innovation Systems: Towards a Theory of Innovation and Interactive Learning. London: Pinter Publishers, 1992.; Nelson R. (ed.). National Innovation Systems. A Comparative Analysis. – New York/Oxford: Oxford University Press, 1993; Бобылев, Г.В. Условия и факторы реализации инновационного потенциала региона // Регион: экономика и социология. - 2008. - № 1. - с.116.; Трухляева, А.А. Инновационный потенциал региона: оценка и перспективы развития // автореф. дисс. канд. эк. наук 08.00.05. - Волгоград, 2010. -с. 26.; Бакланова Ю.О. Формирование и развитие инновационного потенциала региона // автореф. дисс. канд. экон. наук 08.00.05 - Киров, 2008. -с.23.; Арсентьева Н.А. Инновационный потенциал как фактор обеспечения конкурентоспособности экономической системы // автореф. дисс. канд. экон. наук 08.00.05. -Чебоксары, 2010. -с. 28.; Диваева, Э.А. Объективные основы формирования и развития инновационной системы в регионах // Управление экономическими системами [Электронный ресурс] - <http://uecs.ru/uecs32-322011/item/546-2011-08-08-10-38-22>.; Татаринцева, И.В. Управление инновационным потенциалом региона на основе эффективных методов его оценки и анализа // автореф. дисс. канд. экон. наук 08.00.05 Орлове, гос.

Муаллиф фикрича, миллий иқтисодиётнинг инновацион салоҳиятига таъсир қилувчи омилларни иккита, яъни, ички ва ташқи омилларга бўлиб гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир. (2 ва 3-жадваллар).

2-жадвал
8

Инновацион салоҳиятга таъсир қилувчи ички омиллар

Шаклланиш манбасига кўра таснифланган инновацион салоҳият омиллари	Инновацион салоҳият ошишига ёрдамлашувчи омиллар	Инновацион салоҳият ошишига тўсқинлик қилувчи омиллар
Ишчи кучи омили	Мамлакатда ишчи кучининг юқори малакага эгаллиги, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар билан банд бўлган ходимлар сонининг кўплиги, инновацион-фаол корхоналарда ишчилар сонининг кўплиги, илмий ишланмалар билан банд бўлганларнинг илмий даражага эга эканлиги.	Инновацион-технологик бизнес соҳасида юқори малакали бошқарув ходимлар тақчиллиги, етарли миқдорда юқори малакали ходимларнинг йўқлиги.
Технологик-ишлаб чиқариш	Аҳоли жон бошига инвестицияларнинг ортиши, давлат инвестицияларига нисбатан хусусий инвестициялар ҳажмининг ортиши.	Инновацион жараёнларга йирик корхоналарнинг паст даражада жалб қилиниши, минтақавий иқтисодиётга инвестициялар ҳажмининг сезиларли миқдорда эмаслиги.
Илмий-техник	Яратилаётган инновацион товар ва хизматлар ҳажмининг ортиши, патентлар ва фойдали моделларни яратиш ҳамда уларни тижоратлаштириш.	Ялпи ишлаб чиқариш ҳажмида инновацион маҳсулот кам улушга эга эканлиги.
Молиявий	Давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш, инновацион лойиҳаларга имтиёзлар бериш.	Инновацион лойиҳаларнинг катта рисклилиги ва қоплаш муддатининг узоклиги.

2-жадвалда кўрсатилган ички омилларга мамлакат миқёсида таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ва назорат қилинадиган омиллар киради. Шаклланиш манбаларига кўра, ички омилларни ишчи кучи, технологик-ишлаб чиқариш, илмий-техник, молиявий омилларига бўлиш таклиф этилган.

Ташқи омиллар гуруҳига кам назорат қилинадиган ёки назорат қилинмайдиган ҳамда фақатгина умумдавлат сиёсати таъсир қилувчи омиллар киради (3-жадвал).

техн. ун-т. - Орел, 2007. -с.22.; Суязов, В.Н. Комплексная оценка эффективности инновационного развития научно-производственных организаций // автореф. дисс. канд. экон. наук 08.00.05 -Саратов, 2011. -с.24.

⁸ Муаллиф ишланмаси.

Инновацион салоҳиятга таъсир қилувчи ташқи омиллар⁹

Шаклланиш манбасига кўра таснифланган инновацион салоҳият омиллари	Инновацион салоҳият ошишига ёрдамлашувчи омиллар	Инновацион салоҳият ошишига тўсқинлик қилувчи омиллар
Ташкилий-бошқарув	Иқтисодиёт субъектларининг юқори инновацион фаоллиги.	Корхонанинг бошқарув ва технологик янгиликларга тайёр эмаслиги, корхона раҳбариятининг бошқарув қобилиятларининг пастлиги.
Инфратузилмавий	Ривожланган инновацион инфратузилма, ўрта ва кичик корхоналар улушининг юқорилиги, венчур ва инновацион фондларнинг мавжудлиги.	Корхоналар, илмий ва молиявий ташкилотлар ўртасида чуқур алоқалар йўқлиги, турли кўринишдаги инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлаш тизимининг ривожланмаганлиги.
Ахборот	Миллий иқтисодиётнинг инновацион соҳасига замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш.	Янги технологиялар ҳақида ахборотнинг етарли эмаслиги.
Институционал	Мамлакатда корхоналарнинг юқори инновацион салоҳиятга эга эканлиги, инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи қонунчилик базасининг шаклланганлиги, давлатнинг самарали инновацион сиёсати.	Иқтисодиёт инновацион соҳасининг давлат томонидан қониқарсиз даражада қўллаб-қувватланиши, такомиллашмаган қонунчилик, давлат институтлари тизимининг шаффоф эмаслиги.

3-жадвалдаги инновацион инфратузилма хўжалик юритувчи бозор субъектлари (технопарк, технополис, инновацион-технологик парклар) билан биргаликда, инновацион ва венчур корхоналари каби молия институтларини шакллантириш ҳамда уларни ривожлантиришни ифодалайди. Ушбу омил миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишида аҳамияти жуда юқори бўлиб, у иқтисодиётни инновацион инфратузилма объектлари билан таъминлаш ва инновацион фаолият субъектлари учун қулай институционал муҳит яратишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Институционал ва инфратузилмавий омиллар тез ҳаракатланмайдиган, яъни, инновацион салоҳият ўзгаришига секин таъсир қилувчи омиллар қаторига киради. Чунки, уларни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш узок муддат ва сезиларли даражада катта миқдорда моддий, молиявий, ишчи кучи ресурслари ва кўп меҳнат талаб қилади.

Диссертация ишининг «**Ўзбекистоннинг инновацион салоҳияти ва ундан фойдаланиш даражаси**» деб номланган иккинчи бобида жаҳон мамлакатларида инновацион салоҳиятдан фойдаланиш даражасини баҳолаш услубияти ва унинг Ўзбекистонда қўлланилиши, республиканинг инновацион салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати ва унинг қиёсий таҳлили, инновацион

⁹ Муаллиф ишланмаси.

салоҳиятдан самарали фойдаланишнинг хориж тажрибалари ва уларни Ўзбекистонда қўллашнинг устувор йўналишлари каби масалалар ёритилган.

Тадқиқотлар аксарият олимлар¹⁰ инновацион салоҳиятни фан ва таълим ресурслари, мамлакат аҳолиси таркибида олий маълумотлилар салмоғи, илмий ходимлар, олий таълим муассасалари сони ва шу қабилар билан аниқлаганликларини кўрсатди.

Муаллиф фикрича, ушбу кўрсаткичлардан инновацион салоҳиятни баҳолашда умумий ҳолда фойдаланиш мумкин, лекин, улар орқали реал ҳолатни тўлиқ ифодалаб бўлмайди. Шунинг учун мамлакат инновацион салоҳиятини баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш ва унинг асосий таркибий қисмларини тўртта гуруҳ кўрсаткичларига ажратиш зарур. Биринчи гуруҳ – инновацион салоҳиятнинг молиявий, иккинчиси моддий; учинчиси кадрлар, тўртинчиси натижавий таркибини ифодаловчи кўрсаткичлардир. Тизимда дастлаб мутлоқ, кейин, нисбий кўрсаткичларни шакллантириш зарур.

Ушбу тадқиқот ишида ишлаб чиқилган мамлакат инновацион салоҳиятини баҳолаш услубияти асосида республикада охириги йилларда инновацион салоҳиятнинг ўзгариш тенденциялари таҳлил қилинди. Таҳлил асосан инновацион салоҳиятнинг молиявий, моддий, кадрлар ва натижавий таркибини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими асосида амалга оширилди. (4, 5, 6 ва 7-жадваллар)

4-жадвал

**Ўзбекистонда инновацион салоҳиятнинг молиявий таркиби
(нисбий кўрсаткичлар)¹¹**

	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1.	ИТТКИ киритилган инвестициялар ҳажми (ЯИМга нисбатан)	%	0,1	0,12	0,2	0,3	0,3	0,3	0,33
2.	Номоддий активларга киритилган инвестициялар ҳажми	%	11	11	12	12,5	12,3	12,7	12,9
3.	Илмий тадқиқот ва ишланмаларда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳажми	%	17	17,3	18	21	21	21,7	22,5
4.	Илмий тадқиқот ва ишланмаларга ажратилган бюджет маблағлари ҳажми	%	2,8	3,7	5,1	5,7	6,4	8,5	9,3
5.	ИТТКИ учун ажратилган харажатларининг ЯИМдаги улуши	%	0,02	0,1	0,14	0,19	0,22	0,28	0,33
6.	ИТТКИ учун ажратилган харажатларининг давлат бюджетидagi улуши	%	1,2	1,5	1,9	2,1	2,7	3,2	3,8

¹⁰ Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. -М.: Прогресс, 1982. -с.456.; Данько М. Инновационный потенциал в промышленности Украины // Экономист. 1999. № 10. -с. 26-32.; Кулагин А.С., Леонтьев Л.И. О стимулировании инновационной деятельности // Недвижимость и инвестиции. Правовое регулирование. 2002. №1 (10). -с. 23.; Фатхутдинов Р. Инновационный менеджмент. Уч. пособие.- СПб. –Питер. 2003. -с.491.; Ivaneoshvili-Orbeliani G., Kikabidze K., Losaberidze D. National innovation strategy framework for Georgia: <http://icsrpa.org.ge.>; Verdes Andras Inventions and globalization: Innovation potential by countries. <http://www.invention-iffia.ch.>; Ш.Н.Зайнутдинов Ш.Н. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. 2011. №1. Сентябрь.; Нурибегов Р. Инновацион салоҳият – замонавий иқтисодий ривожлантириш пойдевори. Бизнес-эксперт // 2014. №4. -19 б.

¹¹ Ушбу жадвал Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

4-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, кейинги йилларда Ўзбекистонда илмий соҳани молиялаштириш ҳажми ЯИМга нисбатан 0,33% дан камроқни ташкил этди, ваҳоланки, бутун дунё бўйича ушбу кўрсаткич ЯИМга нисбатан ўртача 2,14 %ни ташкил қилиб, бизда ундан 6 баравардан кўпроқ паст даражада қолмоқда. Бир қатор халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, 2020 йилда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ)га ажратилган ҳаражатлар ЯИМга нисбатан АҚШда-2,79%, Японияда-3,29%, Германияда-2,93%, Францияда-2,22%, Швецияда-3,28%, Исроилда-4,25%, Жанубий Кореяда-4,23% ни ташкил қилган.

Таҳлиллар республикада инновацион соҳанинг моддий асосини, яъни, асосий капитал янгиланаши қониқарли даражада эмаслигини кўрсатди (5-жадвал).

5-жадвал

Ўзбекистонда инновацион салоҳиятнинг моддий таркиби (нисбий кўрсаткичлар)¹²

	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1.	Асосий фондларнинг эскирганлик даражаси	Йил бошига	67	78	61	56	57	61	64
2.	Илмий соҳада асосий фондлар жами қиймати	%	31	28	32	33	37	34	38
3.	Асосий фондларнинг янгиланиш коэффициенти	%	9	12	12	14	15	15	16
4.	ИТТКИни амалга оширувчи ташкилотлар	%	1,1	1,3	1,8	2,4	3,4	4,7	5,8
5.	Инновацион-фаол корхоналар	%	9	9	11	13	18	21	23
6.	Саноат тармоғида инновацион-фаол корхоналар	%	6	6	8	9	12	11	13

5-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, республикада охириги йилларда асосий фондларнинг эскирганлик даражаси 64 фоиз, уларнинг янгиланиш коэффициенти ўртача 16 фоизни ташкил қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида мамлакатда инновацион жараёнларга тўсиқ бўлаётган омиллардан саналади.

Тадқиқотлар ҳозирги кунда республикада фаолият юритаётган корхоналар ичида инновацион товар ва хизматлар таклиф қиладиганлар улуши жуда паст даражада эканлигини кўрсатди. 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 494 068 тани ташкил этиб, шундан атиги 2374 таси (ёки 0,5%) инновацияларни жорий қилган. Ваҳоланки, нафақат ҳозирги кунда, балки, 2000 йилларда Россияда инновацион корхоналарнинг улуши 8-11% ни, Шарқий Европада 20-30%, Ғарбий Европада эса, 40-50% ташкил қилган.¹³

¹² Ушбу жадвал Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

¹³ Худайназаров А. Ўзбекистондаги инновацион ривожланиш: ҳолати: муаммолари ва ечими // Илм-фан ва инновацион ривожланиш илмий электрон журнали // 2020 №1. 9-18-б.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда ҳам “...иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш, инновацион ҳудудга айлантирилаётган туманларда мавжуд аналогларидан 50% гача арзонлаштирилган ва сифатли, хом ашё нархига нисбатан 2-3 барабар юқори қўшилган қиймат яратадиган инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштириш, Глобал инновацион индексида қайд этилган паст индикаторлар бўйича Ўзбекистон позициясини яхшилаш”¹⁴ вазифалари белгилаб қўйилди.

Мамлакат инновацион салоҳиятининг белгиланишида ишчи кучи таркиби ҳам муҳим ўрин тутади. Бунда асосан умумий бандликда ИТТКИда банд бўлганлар, таянч докторант ва докторантлар салмоғи, ОТМлар профессор-ўқитувчилари таркибида фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ва фан докторлари салмоғи каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Мазкур тадқиқот ишининг учинчи илмий янгилигида миллий инновацион салоҳиятни ошириш механизмини такомиллаштиришда инновацион кадрлар тайёрлаш масаласига устуворлик берилган. Технологик тараққиётни таъминлашнинг энг муҳим омили бу сифатли ишчи кучи капиталини шакллантиришдир. Бирок, ҳозирги кунда республикада сифатли ишчи кучи капитали танқислиги ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу биринчидан, 1990 йилдан ҳозирги кунгача (2021 йил) бўлган даврда аҳоли таркибида олий маълумотлилар улуши 14 фоиздан 9 фоизгача пасайиб кетиши,¹⁵ иккинчидан, ишчи кучи сифатининг пастлиги, яъни, республиканинг бирорта олий таълим муассасаси дунёнинг 500 та олий ўқув юрти топ-рейтингига кирмаганлиги, касб-ҳунар коллежлари ва техникумларда эса, таълим сифати Жаҳон стандартларига талабларига умуман жавоб бермаслиги, Ўзбекистоннинг QS World University Rankings, Times Higher Education World University Rankings, Academic Ranking of World Universities ва шу каби ОТМ бўйича халқаро рейтинг ташкилотлари рўйхатига кирмаганлиги билан боғлиқ.

Мамлакатдаги ОТМларининг асосий қисми ўз фаолиятларида фақатгина таълим-тарбия, услубий ва маънавий-маърифий фаолият билан чекланиб қолмоқда. Уларда хўжалик шартномаларини тузиш ва бюджетдан ташқари маблағлар жалб қилиш даражаси жуда паст даражада қолмоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг реал воқеликдан келиб чиққан ҳолда, кучли рақобат шароитида инновацион товар ва хизматлар яратиш ҳамда бозорни эгаллаш борасида стратегиялар ишлаб чиқишдаги малака ва қобилиятлари пастлигидан хўжалик шартномалари тузиш ҳамда уларни амалга ошириш имконияти йўқ.

Бундан ташқари, аксарият ОТМ ва ИТМларида замонавий илмий адабиётлар танқислиги мавжуд бўлиб, улар ҳаттоки JSTOR, ELSEVER, SCOPUS ва шу каби қатор халқаро онлайн кутубхоналарга тизимига ҳам

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>

¹⁵ Манба: Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари

уланмаган. Бу асосан уларнинг моддий-техник базаси даражасининг пастлиги билан боғлиқ.

Муаллиф фикрича, юқорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш учун биринчидан, бир қатор ихтисослашган маҳаллий олий ўқув юртларида инновацион менежмент соҳаси бўйича кафедралар ташкил қилиш, шунингдек, бўлажак мутахассислар (инженер, техник, технолог ва хоказолар)да кўникмалар ҳосил қилиш мақсадида “Инновацион менежмент” курсини ўқув режага киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки, ушбу чора-тадбирлар тизими битирувчи мутахассисларда ўз ихтисосликлари бўйича билимларидан ташқари, қўшимча равишда, турли хил янгиликларни излаш, танлаб олиш ва тижоратлаштиришга қодир бўлган инновацион лойиҳаларни бошқариш бўйича билим ва кўникмаларини оширади. Иккинчидан, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича қонун меъёрларини такомиллаштириш, инновацион фаолият билан шуғулланадиган корхоналар учун солиқ имтиёзлари ва преференциялар беришнинг ягона тартибини ишлаб чиқиш зарур.

Тадқиқотлар республикада инновацион салоҳиятнинг кадрлар бўйича таркибида охириги йилларда жуда катта ўзгаришлар кузатилмаганлигини кўрсатди. (6-жадвал)

6-жадвал

**Ўзбекистонда инновацион салоҳиятнинг кадрлар бўйича таркиби
(нисбий кўрсаткичлар)¹⁶**

	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1.	Илмий ходимлар ўртача иш ҳақининг иқтисодиётдаги ўртача иш ҳақиға нисбати	%	56	61	63	65	71	71	73
2.	Умумий бандликда ИТТКИда банд бўлганлар салмоғи	%	1,4	1,7	2,1	2,6	3,1	3,3	3,6
3.	Умумий бандликда таянч докторант ва докторантлар салмоғи	%	1,1	1,3	1,3	1,2	1,5	1,8	2,2
4.	ОТМлар профессор-ўқитувчилари таркибида фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ва фан докторлари салмоғи	%	32	32	35	28	29	31	35
5.	Фан ва илмий хизмат кўрсатиш тармоғида товар ва хизматлар ишлаб чиқариш харажатлари таркибида иш ҳақи харажатлари салмоғи	%	12	18	18	15	22	26	29
6.	Ишга кирган ва ишдан кетган илмий ходимлар нисбати	%	10	12	18	11	9	9	9
7.	Ҳар 10000 кишиға тўғри келадиган талабалар сони	Киши	85	84	84	84	91,2	215	341

6-жадвал маълумотлари республикада илмий ходимлар ўртача иш ҳақининг иқтисодиётдаги ўртача иш ҳақиға нисбати охириги олти йилликда деярли 1,3 баробар, умумий бандликда ИТТКИда банд бўлганлар салмоғи 3

¹⁶ Ушбу жадвал Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

баробар, умумий бандликда таянч докторант ва докторантлар салмоғи 2 баробар, ҳар 10 000 кишига тўғри келадиган талабалар сони 4 баробар ошганлигини кўрсатади. Бу мамлакатда ўртача илмий салоҳиятнинг ошаётганлигини билдиради.

Тадқиқотлар республикада юқоридаги кўрсаткичларнинг деярли барчасида ижобий натижалар қўлга киритилганлигини кўрсатди (7-жадвал).

7-жадвал

Ўзбекистонда инновацион салоҳиятнинг натижавий таркиби (нисбий кўрсаткичлар)¹⁷

	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1.	Фан ва илмий хизмат кўрсатиш тармоғидаги фойданинг жами sanoatдаги фойдага нисбати	%	43	52	58	64	67	72	78
2.	Фан ва илмий хизмат кўрсатиш тармоғида жами ишлаб чиқарилган товар ва хизматларда фойда улуши	%	72	72	76	78	81	83	86
3.	Sanoatда инновацион товар ва хизматлар ҳажми	%	4	4,9	6,9	7,4	7,8	8,3	8,8
4.	Sanoatнинг инновацион-фаол корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган технологик инновацияларга қилинган жами харажатлар	%	72	75	78	81	84	87	91
5.	Яратилган ва амалиётга жорий қилинган илғор ишлаб чиқариш технологиялари нисбати	марта	1,4	1,7	2,1	2,6	2,8	2,8	2,9
6.	Экспорт ва импорт қилинган технологиялар нисбати	%	31	38	35	41	46	49	53
7.	Яратилган ва ҳақиқатда фойдаланилган янгиликларнинг ўсиш суръатлари	%	102,4	103,1	103,6	102,9	102,3	103,1	103,9
8.	Ҳар 1 млн. кишидан патент учун келиб тушган аризалар сони	та	182	210	518	1286	1869	1862	1871
9.	Янги инновацион товар ва хизматлар улуши	%	9	12	16	28	31	26	26
10.	Ишлаб чиқаришда машинасозлик улуши	%	4	4,8	5,7	6,3	7,4	7,1	7,5

7-жадвал маълумотлари кузатилаётган даврда, яъни, 2021 йилда 2015 йилга нисбатан фан ва илмий хизмат кўрсатиш тармоғидаги фойданинг жами sanoatдаги фойдага нисбати 1,8 марта, sanoatда инновацион товар ва хизматлар ҳажми 2,2 баробар, янги инновацион товар ва хизматлар улуши деярли 3 баробарга ортган.

Тадқиқотлар республикада миллий инновацион тизимнинг ҳозирги ҳолати жаҳон стандартлари талабларига тўлиқ жавоб бераётганлигини кўрсатди. Бу

¹⁷ Ушбу жадвал Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

мамлакатда фан, таълим ва бизнес ўртасида катта бўшлиқ мавжудлиги, иқтисодий субъектлари ўртасида инновацион ҳамкорлик даражасининг жуда пастлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, республикада инновацион воситачилар институти шаклланмаган, тармоқ ва ҳудудлар миқёсида барқарор инновацион кластерлар ташкил қилинмаган, давлат бюджетидан илм-фанга ажратилаётган харажатлар ишбилармонлик фаолияти билан номутаносиб ҳолатда амал қилмоқда, ОТМлари билан корхона ва ташкилотлар, тижорат компаниялари ўртасида инновацион ҳамкорлик алоқалари қониқарсиз даражада. Бир томондан, ОТМ ва ИТМларларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда, лекин, улар кўпинча бозор талабларига жавоб бера оладиган товар ва хизматлар яратишдан анча йироқда, чунки, тадқиқотчилар тадбиркорлик қобилиятига эга эмас. Тижорат компаниялари ва ишлаб чиқариш корхоналари олимлар томонидан яратилган илмий янгиликларни бозорга олиб чиқишга ёрдам бериши мумкин, лекин, инновацион ҳамкорлик доирасидаги бўшлиқ туфайли компаниялар олий таълим муассасалари ва ИТМларида амалга оширилаётган кашфиётлардан беҳабар қолиб кетмоқда.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистоннинг инновацион салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари**» деб номланиб, унда республикада инновацион салоҳиятдан фойдаланиш даражасини оширишда давлат ва бозор механизмларини такомиллаштириш йўналишлари, молия-саноат гуруҳлари фаолиятини ривожлантириш ва инновацион кластерларни ривожлантириш асосида мамлакат инновацион салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ошириш йўналишлари кўрсатилган.

Инновацион салоҳиятни ривожлантиришни тартибга солиш бўйича замонавий ёндашувлар уч хил, яъни, “давлатнинг фаол аралашуви”, “марказлашмаган бошқарув” ва “аралаш” стратегияларни қўллаш мумкинлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда инновацион ва илмий-техник соҳада амалга оширилаётган сиёсат тавсифига кўра “аралаш” стратегия қўлланилмоқда.

Инновацияларни давлат томонидан бевосита молиялаштиришнинг устувор йўналишлари одатда, таваккалчилик даражаси ўта юқори бўлиб, катта харажат ва уларни қоплаш учун узоқ муддат талаб қиладиган (кенг қамровли мамлакат миқёсидаги инновацион лойиҳалар), тижорат йўналишлари ноаниқ бўлган (фундаментал тадқиқотлар), манфаатдорлик даражаси хусусий секторга тўғри келмайдиган соҳаларга қаратилади. Бундан ташқари, давлат ўзи асосий харидор бўлиб, юқори технологик хусусиятларга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи соҳаларда олиб борилаётган ИТТКИларни ёки жаҳон бозорида рақобат кучайиши натижасида миллий ишлаб чиқарувчилар зарар кўриши аниқ бўлиб қолган шароитларда инновацион фаолиятни молиялаштиришда бевосита усулдан фойдаланади. Бошқа ҳолатларда давлат инновацион соҳага хусусий капитал қўйилмаларни қўллаб-қувватлашга кўпроқ эътибор қаратади.

Бозор механизмларидан оқилона фойдаланиш орқали мамлакатда инновацион салоҳиятни ошириш имконияти жуда кенгдир. Бунинг учун энг аввало, хўжалик юритувчи субъект (худуд, тармоқ, корхона, ташкилот ва ҳ.к.)

ларнинг бозор қонун-қоидалари ва уларнинг амал қилиш механизмларига тўлиқ мослашиши зарурлигига аҳамият бериш лозим.

Ҳар қандай мамлакатда кластерларнинг яратилиши кичик бизнес ва йирик корхоналарнинг инновацион ривожланиши учун кучли туртки беради.

Шу нуқтаи-назардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги мураккаб шароитда республика ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш учун “...кластерлар фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш керак.”¹⁸

Муаллиф фикрича, саноатни кластерлаштиришда инновацион ёндашувни амалиётга жорий қилиш, яъни, инновацион кластерларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Инновацион кластерлар ривожланиши мавжуд саноат компанияларига илмий-тадқиқот натижаларини интенсив равишда жорий қилиш, йирик корхоналар томонидан қўшилган қиймат занжирига кириш учун янги кичик ва ўрта корхоналар давлат-хусусий шерикчилиги асосида ташкил этиш ҳисобига амалга оширилади.

Давлат-хусусий шерикчилиги асосидаги инновацион-кластер иштирокчилари ва тузилмаси қуйидагилар бўлиши мумкин:

кластер иштирокчилари ҳодимларини ўқитиш ёки кўшимча таълим бериш билан шуғулланувчи битта ОТМ ёки ихтисослаштирилган таълим муассаси;

саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи энг камида 10 та субъект (бунда улардан камида биттаси бозорда сотишга мўлжалланган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариши лозим);

2 та технологик инфратузилма объекти;

инновацион кластер ривожланишига ташкилий ёрдам берувчи ва мониторингни амалга оширувчи битта нотижорат ташкилоти;

инновацион кластер иштирокчиларига молиявий кўмаклашувчи битта молиявий ташкилот.

Бундан ташқари, ушбу соҳада ихтисослаштирилган ташкилотлар тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, улар инновацион кластер ривожланишини услубий, ташкилий, таҳлилий ва ахборот материаллари орқали кузатиб борувчи ташкилот ҳисобланади. Инновацион кластерга давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши учун ихтисослаштирилган ташкилот қатор талабларга жавоб бериши ва бир неча турдаги фаолиятни (инновацион кластер иштирокчиларига ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, кластер томонидан таклиф қилинаётган товар ва хизматлар тўғрисидаги маълумотларни ОАВ орқали реклама қилиш, кредит ва инвестицион ресурсларни жалб қилиш ва ҳоказолар) амалга ошириши лозим.

Шундай қилиб, давлат-хусусий шерикчилиги асосидаги инновацион кластерни қуйидаги гуруҳ иштирокчилари ташкил этади:

базавий субъектлар – йирик, ўрта ва кичик корхоналар;

инновацион-тадқиқот ва таълим блоки (ОТМ ва бошқа таълим муассасалари, илмий-тадқиқот олиб борувчи корхоналар, ишланмаларни

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабрь.

тижоратлаштириш ва технологияларни трансферлаш марказлари, инжиниринг корхоналари ва ҳ.к.)

маҳаллий бошқарув органлари ва инновацияларни ривожлантириш институтлари;

аралаш хизматлар кўрсатувчи корхоналар блоки (молиявий ташкилотлар, консалтинг компаниялари ва ҳ.к.)

Республикада инновацион кластерларнинг самарали фаолият юритиши учун инновациялар ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бизнес ва давлатнинг фаол ҳамкорлигини таъминлаш, миллий инновацион инфратузилмани яратиш орқали кластер сиёсатини амалга ошириш лозим. Бунинг учун, муаллиф фикрича, қуйидаги чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ:

юқори технологияли тайёр маҳсулотлар ва хизматлар экспортини таъминлаш;

кичик ва ўрта корхоналар сонининг кўпайишини рағбатлантириш;

иқтисодиётнинг инновацион соҳаси жадал ривожланишини таъминлаш;

иқтисодиёт эҳтиёжлари учун кадрлар таёрлаш тизимининг самарадорлигини ошириш;

миллий ва чет эл инвестициялар ҳажмининг ошишини таъминлаш;

кластерга асосланган ҳудудлар ривожланиши рағбатлантириш.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш жараёнида инновацион салоҳиятни ошириш, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш, миллий новациялар рақобатбардошлигини оширишнинг асосий шартларидан бири бўлиб - саноат ва банк капиталини бирлаштириш, улар ўртасида интеграцион алоқаларни кучайтириш ҳамда ягона технологик занжирларни яратиш ҳисобланади. Ушбу чора-тадбирлар тизимининг ташкилий-ҳуқуқий тузилиши молия-саноат гуруҳлари кўринишида намоён бўлди.

Молия-саноат гуруҳлари бу – ишлаб чиқариш, хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида марказлашган бошқарувга эга бўлган ва ўз ресурсларини (моддий, номоддий, молиявий ва бошқалар) тўлиқ ёки қисман бирлаштирган ишлаб чиқариш, савдо корхоналари ва молия-кредит институтларини ўз ичига олган мустақил юридик шахсларнинг интеграцион шаклидир.¹⁹

Ҳозирги кунда йирик молия-саноат гуруҳларининг савдо айланмаси дунёнинг кўплаб мамлакатлари ЯИМ ҳажмидан ошиб кетади. Сўнгги 25 йилда мазкур тузилмалардаги ишчилар сони 14,4% га ошгани ҳолда, деярли 4 марта кўпайган.²⁰

Айрим олимлар молия-саноат гуруҳларини ижтимоий-иқтисодий нуқтаи-назардан қараганда, уларнинг муайян жиҳатдан салбий томонлари

¹⁹ Атаниязов Ж.Х. Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш. // Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёаралган диссертацияси автореферати. -Т.: 2018. -Б. 15.


²⁰ Атаниязов Ж.Х. Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш моделлари ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №3, июнь, 2017 йил

мавжудлигини таъкидлашади. Уларнинг фикрича, молия-саноат гуруҳлари маъмурий-буйруқбозлик тизимини абадийлаштиради ва монополизмни кучайтиради.²¹

Муаллиф фикрича, молия-саноат гуруҳлари ўтмишда қолиб, эскириб кетган вазирлик ва идораларнинг ўрнини босиши мумкин бўлган ягона самарали тизимдир. Уларнинг ривожлантирилиши тармоқлараро мутаносиблик ва йўқолиб кетган алоқаларнинг қайта тикланишига, корхоналарнинг интеграцияга киришишига, активларнинг бир жойга жамланишига, бошқарув самарадорлиги оширилишига, инновацион салоҳиятни ошириш учун реал имкониятларнинг яратилишига ёрдам беради.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакли нуқтаи-назаридан молия-саноат гуруҳлари инновациянинг бир кўринишидир. Шунинг учун ҳам у бошқа бизнес шакллариغا нисбатан бир қанча устунликларга эга бўлади. Ушбу устунликлар савдо, маркетинг, ҳуқуқий, транзакцион ва бошқа харажатларнинг тежалиши, ишлаб чиқаришни диверсификация қилишдаги кенг имкониятлар, молиявий ва инвестицион ресурсларни самарали бошқариш имкониятининг мавжудлиги, кенг кўламдаги ИТТКИ амалга ошириш, кечиктирилган тўловлар билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал қилиш механизмларининг мавжудлиги ва ҳоказоларда намоён бўлади.

Молия-саноат тузилмаларининг марказий органи бўлиб банклар ҳисобланади. Айти пайтда мамлакатимизда банкларнинг иқтисодий ўсишни молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштироки янада фаоллашиб, иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредит қўйилмалари динамикаси йилдан-йилга ортиб бормоқда (1-расм).



1-расм. Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари динамикаси, триллион сўм.²²


Юқоридаги маълумотлардан кўришиб турибдики, тижорат банклари кредит қўйилмаларининг 20 йил давомида деярли 15 баробардан ортиқроққа

²¹ Федорович В.О. Крупные корпоративные образования: концентрация факторов производства и экономический рост //Аваль. Сибирская финансовая школа. – 2005. – №1. – С. 87.; Цветков В.А. Финансово-промышленные группы в современном мире // Промышленная политика в РФ. №6, 2000. - С. 36-47.

²² www.cbu.uz – Марказий банкнинг расмий веб-сайти маълумотлари.

ошишида Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг (фоиз ставкаси) пасайтириб борилиши асосий омил бўлган. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг инвестицион кредитлар ажратишлари учун кенг имконият яратган. Банкларнинг инвестицион кредитлари иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан мини-технологияларни сотиб олишни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

2021 йил мобайнида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадлари учун тижорат банклари томонидан жами 12,2 триллион сўм ёки 2000 йилга нисбатан 17,4 баробардан кўпроқ инвестицион кредитлар ажратилди (2-расм).



2-расм. Тижорат банклари томонидан берилган инвестицион кредитлар динамикаси, триллион сўм.²³

Таҳлил қилинаётган даврда тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар эвазига иқтисодиётнинг турли соҳаларида минглаб янги иш ўринлари ташкил этилди. Самарасиз ишлаётган бир нечта корхоналар тижорат банклари балансига ўтказилди ва уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти тикланди ҳамда янги мулкдорларга сотилди.

Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини ташкил қилиш ва улар фаолиятини ривожлантириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Лекин, уларни амалиётга жорий қилишда молия ва саноат капитали интеграцияси жараёнларининг бир маромда кетишига тўсқинлик қилаётган ҳамда ўз ечимини топмаган қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар умумий тенденцияга салбий таъсир кўрсатмоқда. Булар, молия-саноат гуруҳларининг мамлакат инновацион салоҳиятини оширишдаги аҳамиятининг тўлиқ ўрганилмаганлиги, уларни ташкил қилишнинг энг самарали шакллари ва интеграцион алоқаларни амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф қилиш усуллари ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқ.

Бундан ташқари, ушбу масала юзасидан давлат томонидан ишлаб чиқилган мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий қонунчилик ҳам мавжуд эмас. Натижада миллий

²³ www.cbu.uz – Марказий банкнинг расмий веб-сайти маълумотлари.

иқтисодиёт инновацион салоҳиятини оширишнинг муҳим омили сифатида мазкур тузилмаларнинг аҳамияти тўлиқ баҳоланмай қолмоқда.

Муаллиф фикрича, республикада молия-саноат гуруҳлари самарали фаолият юритиши учун уларга давлат томонидан муайян даражада преференциялар берилиши лозим. Буни амалга ошириш учун маҳаллий бошқарув органлари уларнинг ҳудудида молия-саноат гуруҳлари мавжуд бўлишидан манфаатдор бўлиши зарур.

Мамлакатда олиб борилаётган антимонопол сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири йирик корхоналарнинг бирлашиб, монополиялар юзага келишига қарши курашиш ҳисобланади. Бироқ, муаллиф фикрича, бу ерда масаланинг иккита жиҳатига эътибор қаратиш зарур. Биринчидан, агар мамлакат иқтисодиёти ташқи дунёга нисбатан ёпиқ бўлса, у ҳолда йирик корхоналарнинг бирлашиши ҳақиқатдан ҳам монополияга олиб келади. Масаланинг иккинчи томони шундаки, агарда мамлакат иқтисодиёти очик бўлса, у ҳолда шароит тубдан ўзгаради, яъни, ташқи дунё таъсири натижасида мамлакат ичида ишлаб чиқариш жараёнларининг жадаллашиши, саноатнинг модернизацияланиши ва диверсификация жараёнларининг кучайиши бошланади.

Умуман, хулоса қилиб айтганда, молия-саноат гуруҳлари асосий капитални такрор ҳосил қилиш тизимини рағбатлантириш механизмларини ўзгартириш имконини беради ва меҳнат воситаларини янгилашга молиявий дастакларни жалб қилади. Давлат ўзининг самарали иқтисодий сиёсати орқали молия-саноат гуруҳларини кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, ишсизлик ва инфляциянинг ўсиш суръатларини пасайтириш, умуман, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг муҳим омилларидан бирига айлантириши мумкин.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Диссертация ишида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий хулосалар чиқарилди:

1. Миллий иқтисодиёт инновацион салоҳиятининг ўзига ҳос хусусиятлари, унсурлари, таркибий қисмлари ва унинг мазмунини ёритиш бўйича берилган таърифларнинг мавҳум ва ноаниқлигини ҳисоб олиб, ушбу тушунчани мавжуд бўлган барча ресурслар ва уларнинг унсурлари ўртасидаги боғлиқлик модели доирасида, яширин имкониятлардан самарали фойдаланиш билан боғлаган ҳолда назарий жиҳатдан асослаш зарур.

2. Миллий иқтисодиёт инновацион салоҳиятининг таркибий қисмлари уларни иккита гуруҳга, яъни, инновацион салоҳият шаклланиши ва ундан фойдаланиш омилларига ажратиш зарурлигини тақозо қилади. Миллий иқтисодиёт инновацион салоҳиятининг шаклланиш омилларига илмий-техник, технологик-ишлаб чиқариш, молиявий ва ишчи кучи, фойдаланиш омилларига эса, ахборот, инфратузилмавий, институционал воситалар киради.

3. Миллий инновацион салоҳиятни баҳолашнинг таркибий қисмлари, хусусан молиявий, моддий, кадрлар бўйича ва натижавий таркибини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига умумлашган ҳолда ёндашиш орқали инновацион салоҳиятни баҳолаш услубияти шакллантириш мақсадга мувофиқ.

4. Инновацион салоҳият ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таснифлашда маълум мезонлар асосида ёндашиш зарур. Жумладан, инновацион салоҳият ривожланишига таъсир қилиш тавсифига кўра (миллий иқтисодиёт инновацион салоҳиятининг ошишига ёрдам берувчи омиллар ва унинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллар), назорат қилиниш даражасига кўра (ташқи, кучсиз назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган омиллар), пайдо бўлиш манбасига кўра (ишчи кучи, технологик-ишлаб чиқариш, илмий-техник, молиявий, инфратузилмавий, информацион, институционал, ташкилий-бошқарув омиллари) ҳамда умумдават сиёсатига боғлиқ бўлган ички омиллар (худудий даражада таъсир ўтказиш мумкин бўлган назорат қилинадиган омиллар).

5. Республикада инновацион кластерларни давлат-хусусий шерикчилик асосида шакллантириш миллий инновацион салоҳиятни ошириш ва ундан самарали фойдаланиш имконини беради.

6. Инновацияларни харид қилиш бўйича конкурс асосида давлат буюртмаларини жорий қилиш орқали инновацион корхоналар маҳсулоти учун янги бозорларни шакллантириш йўналишлари бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш лозим.

7. Инновацион фаолиятни молиявий воситалар асосида рағбатлантириш, худудларда инновацион кадрлар тайёрлашни самарали ташкил қилиш ва илмий кадрларни такрор ҳосил қилиш орқали миллий инновацион салоҳиятни ошириш мақсадга мувофиқ.

8. Республикада молия-саноат гуруҳларининг ривожлантирилиши тармоқлараро мутаносиблик ва йўқолиб кетган алоқаларнинг қайта тикланишига, корхоналарнинг интеграцияга киришишига, активларнинг бир

жойга жамланишига, бошқарув самарадорлиги оширилишига, инновацион салоҳиятни ошириш учун реал имкониятларнинг яратилишига ёрдам беради.

9. Республикада молия-саноат гуруҳлари самарали фаолият юритиши учун уларга давлат томонидан муайян даражада преференциялар берилиши лозим. Бу энг аввало, давлат акциялари пакетини сотиб олиш ва фойдаланиш, уларни бош компания ёки бошқарувчи тузилмага бериш имконияти билан боғлиқ бўлиши керак.

10. Иқтисодий инновацион тараққий эттиришда, айниқса, иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли даражада фойда бермаётган ҳозирги шароитда, “кластер” назариясини амалиётга жорий қилиш энг мақбул йўл ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2021.I.16.03 ПРИСУЖДАЮЩИЙ
УЧЕННЫЕ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

САМАДКУЛОВ МУХАММАД ИСЛОМ УГЛИ

**ПУТИ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
ИННОВАЦИОННОГО ПОТЕНЦИАЛА НАЦИОНАЛЬНОЙ
ЭКОНОМИКИ**

08.00.01 – Теория экономики

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

Ташкент – 2023

Тема данной диссертации доктора философии (PhD) в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан зарегистрирован за номером B2022.1.Phd/Iqt196.

Диссертация была выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации помещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Ученого совета (www.puu.uz) и на информационно-образовательном портале "Ziyonet" (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Мамбетжанов Кахрамон Курбандурдиевич
Доктор экономических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Расулев Алишер Файзиевич
Доктор экономических наук, профессор

Шокирова Фарогат Болтаевна
Доктор философии по экономическим наукам (PhD), доцент

Ведущая организация:

Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится «23» 01 2023 г. в 14 часов 00 минут заседании Ученого совета по присуждению ученых степеней по экономическим наукам DSc.03/30.01.2021.I.16.03 при Ташкентском государственном экономическом университете. Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Ислама Каримова, д. 49. тел. (71) 239-28-72, (71) 239-28-72, факс: (71) 239-28-72, e-mail: tsue@tsue.uz

С диссертационной работой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (зарегистрирован под номером 1234). Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Ислама Каримова, д. 49. тел. (71) 239-28-72, (71) 239-28-72, факс: (71) 239-28-72, e-mail: tsue@tsue.uz

Автореферат диссертации раздано «08» 01 2023 г. в ___ часов ___ минут.
(Протокол реестра за номером 24 «08» 01 2023 г.)



С.К. Худойкулов
Председатель ученого совета по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

Б.Д. Хажиев
Научный секретарь ученого совета по присуждению ученых степеней, кандидат экономических наук, доцент

Н.М. Махмудов
Председатель научного семинара при ученом совете по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. В условиях углубления глобализационных тенденций и усиления конкуренции, усложнения социально-экономических процессов и расширения диверсификации товаров и услуг в мире наряду с ограниченностью ресурсов большое внимание уделяется эффективному использованию инновационного потенциала. “10 стран-лидеров в мире по наращиванию инновационного потенциала, а именно Швейцария, Нидерланды, Швеция, Великобритания, Сингапур, США, Финляндия, Дания, Германия и Ирландия, выделяют в среднем около 2,5-4,0 процента ВВП в год”¹. Сегодня в условиях усиления конкуренции на мировом рынке актуальной проблемой является ее эффективное использование наряду с повышением уровня инновационного потенциала, являющегося одним из основных факторов обеспечения социально-экономического прогресса.

В последующие годы в мире уделяется особое внимание научным исследованиям, направленным на повышение инновационного потенциала, в частности, научно-технического, инвестиционного, интеллектуального, инфраструктурного и квалифицированного потенциала рабочей силы, их эффективное использование. В этом направлении на приоритетном уровне выполняются исследования в таких направлениях, как повышение интеллектуального потенциала с учетом нестандартных социально-экономических условий, стимулирование инфраструктурной деятельности в соответствии с финансовыми рычагами, эффективное сочетание механизмов эффективного функционирования национальной инновационной системы с интеграцией частных и государственных структур и эффективное использование инновационного потенциала для повышения уровня модернизации и диверсификации.

В Узбекистане осуществляются широкомасштабные мероприятия по широкому внедрению инноваций в отрасли экономики, стимулированию промышленного производства субъектов инновационной деятельности, в частности, технопарков, трансферных центров, инновационных кластеров, венчурных организаций, бизнес-инкубаторов. Также в стране поставлена задача “...улучшить положение Республики Узбекистан в Глобальном инновационном индексе и войти в топ-50 стран рейтинга к 2030 году”². В этой связи целесообразно уделить особое внимание исследованиям в таких направлениях, как теоретико-методическое совершенствование механизма оценки Национального инновационного потенциала, эффективное формирование инновационных кластеров на основе государственно-частного партнерства, стимулирование инновационной деятельности частного сектора и регионов на основе финансовых инструментов, эффективная организация механизма их реализации.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных указами от 28 января 2022 года № УП-60 “О

¹ <https://www.vestifinance.ru/articles/104063>; https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2018-chapter3.pdf

² Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 “О новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы”. <https://lex.uz/docs/5841063>

новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы”, от 6 июля 2022 года № УП-165 “Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы”, от 24 ноября 2018 года № по совершенствованию механизмов финансирования проектов в сфере инноваций о дополнительных мерах”, постановлениями от 5 мая 2018 г. ПП-3697 “О дополнительных мерах по созданию условий для развития активного предпринимательства и инновационной деятельности”, от 7 мая 2018 г. ПП-3698 “О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в отрасли и отрасли экономики”, от 6 августа 2018 г. ПП-3899 “О мерах по повышению эффективности системы интеграции научно-инновационной деятельности”, от 14 июля 2018 г. ПП-3855 “О дополнительных мерах по повышению эффективности коммерциализации результатов научной и научно-технической деятельности” Президента Республики Узбекистан и другими нормативно-правовыми актами, касающимися данной области.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и техники Республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Теоретико-методологические аспекты повышения уровня использования инновационного потенциала страны в определенной степени изучались зарубежными учеными³. Факторы, влияющие на изменение инновационного потенциала, в том числе Ж.Шумпеттер, З.Гриличез, М.Фельдштейн, З.Жеймс, Ж.Хайнс, З.Гленн, влияние международной торговли и внешних инвестиций на инновационный потенциал К.Хугас и М.Парамешваран, механизмы стимулирования инновационной деятельности субъектов малого предпринимательства П.Друккер, С.Фриман, проблемы формирования национальной инновационной системы изучается в исследованиях Б.Ландвалла, Р.Нелсона и других ученых.

Научно-исследовательская работа, связанная с изучением научно-практических аспектов повышения эффективности использования инновационного потенциала, в определенной степени исследована в

³ Schumpeter J. Theorie der wirtschaftlichen Entwicklung – Berlin: Duncker & Humblot, 1912.; Griliches, Z. (1979) Issues in assessing the contribution of research and development to productivity growth. // Bell Journal of Economics 10. pp. 92-116.; Griliches Z. (1998) R&D and Productivity: The Econometric Evidence. Chicago: University of Chicago Press.; Hines J., (1995a) Taxes, Technology Transfer and R&D by Multinational Firms. In: Martin Feldstein, James R. Hines Jr., R. Glenn Hubbard (ed). Taxing Multinational Corporations. University of Chicago Press, pp. 51-62.; Hughes, K. (1986) Export and Technology. Cambridge University Press, Cambridge, UK.; Parameswaran, M. (2010) International Trade and R&D Investment: Evidence from Manufacturing Firms in India. Int. J. Technology and Globalisation, Vol. 5, Nos. 1/2, pp. 43-60.; Drucker P. Innovation and Entrepreneurship. Practice and Principles. – London: Heinemann, 1984.; Freeman C. Technology and Economic Performance: Lessons from Japan. – London: Pinter Publishers, 1987.; Lundvall B. (ed.). National Innovation Systems: Towards a Theory of Innovation and Interactive Learning. London: Pinter Publishers, 1992.; Nelson R. (ed.). National Innovation Systems. A Comparative Analysis. – New York/Oxford: Oxford University Press, 1993.

исследованиях ряда ученых стран СНГ.⁴ В том числе, анализ и оценка структуры инновационного потенциала было изучено в научных исследованиях Н.Кондратьева, В.Васильцова, А.Большова, А.Белоусова, В.Марцинкевича, И.Соболевой, приоритетные направления развития научно-технических и опытно-конструкторских работах Б.Мочалова, Л.Лопатникова, Ж.Петровской, Л.Давидовой, С.Маркиной, оценка уровня инновационного потенциала в работах А.Татаркина, Е.Макаровой, Л.Иноземцевой, В.Мельянцева, Р.Фатхутдинова.

Узбекскими учеными в определенной степени изучены общие аспекты развития и повышения уровня использования инновационного потенциала страны, и исследования в этом направлении продолжаются.⁵ В частности, проблемы оценки инновационного потенциала страны в разрезе отдельных отраслей, отраслей и регионов, а также повышения интеллектуального потенциала изложены в работах таких учёных, как С.С.Гуломов, Ш.Н.Зайнутдинов, А.В.Вахабов, Н.М.Расулов, З.Т.Гаипназарова,

⁴ Кондратьев Н. Большие циклы конъюнктуры // Вопросы конъюнктуры. Том 1, Выпуск 1, 1925.; Васильцов В.С. Развития инновационного потенциала в рыночной экономике. // Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. -Череповец. 2003. -159с.; Большов А.Г. Формирование инновационного потенциала социально-экономического роста в системе общественного воспроизводства. // Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. -М.: 2008. -177с.; Белоусов Р.А. Рост экономического потенциала. -М.: Экономика, 1971. -с.3.; Марцинкевич В.И., Соболева И.В. Экономика человека: Учеб.пособие для вузов. М.: Аспект Пресс, 1995. -с.51.; Мочалов Б.М. Экономический потенциал развития капитализма. // Монография. -М.: Экономика, 1982. -с.7.; Лопатников Л.И. Экономико-математический словарь // Словарь современной экономической науки. Изд.4-е, -М.: изд-во "АВФ". 1996. -с.621.; Петровская Ж.А. Влияние инновационного потенциала на экономический рост. // Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. -Саратов. 2009. -161с.; Давыдова Л.В., Маркина С.А. Инвестиционный потенциал как основа экономического роста // Финансы и кредит. 2007. № 31 с.271.; А.И.Татаркин Социально-экономический потенциал региона: проблемы, оценки, использования и управления. // -Екатеринбург. УрО РАН. 1997. -с.20.; Макарова Е.С. Совершенствование оценки инновационного потенциала региональной хозяйственной системы. // Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. -Казань. 2013. -249с.; Иноземцев В.Л. Новая постиндустриальная волна на Западе. Антология. // -М.: Academia, 1999. -с.81.; Мельянец В. Информационная революция - феномен, «новой экономики»// Мировая экономика и международные отношения 2001. №2. -с.3-10.; Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. - М.: Интел-Синтез, 2000.- с.9.

⁵ Гуломов С.С. Инновацион иктисодиётда янги терминология: «аклли таълим». // Илм-фан ва инновацион ривожланиш. №3. 2018. 17-22-б. Зайнутдинов Ш.Н. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси. // "Иктисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. 2011. № 1.; Вахабов А. Барқарор иктисодий ўсиш омиллари // Бозор, пул ва кредит. - Т.: 6/2011. 38-42 б.; Вахабов А.В., Разыкова Г.Х. Модернизация экономики. Уч. Пособие. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2014. -263с.; Расулов Н.М. Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш услубиётини такомиллаштириш // Иктисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши автореферати. - Т.: ТДИУ, 2021. – 62 б.; Нурумбетов Р. Инновацион салоҳият – замонавий иктисодиётни ривожлантириш пойдевори. BIZNES-ЭКСПЕРТ. 2017. №5. 46-56 б.; Шокирова Ф.Н. Инновациялар асосида барқарор иктисодий ўсишни таъминлашнинг айрим назарий жиҳатлари. // "Иктисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. 2018. №5.; Ёўлдошев Н.К., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д. Инновацион менежмент. Дарслик. -Т.: ТДИУ. 2011. -438б.; Камилжанов Б.И. Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш. Монография. -Т.: Фан. 2007. -162 б.; Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш. Иктисодиёт назарияси. Дарслик. -Т.: "Barkamol avlod media". 2017. -784 б.; Жўраев Т.Т. Иктисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. «Fan va texnologiya». 2017. -649 б.; Абулқосимов Х.П. Макроиктисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши. Монография. -Т.: Akademiya, 2011. -188 б.; Махмудов Н.М. Иктисодий ўсиш моделлари ва улардан макроиктисодий таҳлилда фойдаланиш йўллари // Иктисод ва молия. - Т.: 2016. №3. 2-8 б.; Расулов А.Ф. Ўзбекистон: Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, инновацион тараққиёт ва миллий иктисодиёт рақобатбардошлигини ошириш // Монография. -Т.: "KONSAUDITINFORM", 2011. – 408 б.; Мадрахимов У.А. Иктисодиётни модернизациялаш шароитида барқарор ўсиш сифатини ошириш. // Иктисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. - Т.: ТДИУ, 2017. -62 б.

качественных показателей инновационного инвестирования и экономического роста, а также соотношения между инновационным потенциалом в работах Р.Нурумбетова, Ф.Б.Шакировой, Д.Шадиевой, совершенствования механизмов инновационного управления в работах Н.К.Юлдашева, Ш.А.Мирсаидовой, Б.И.Камилжанова, общетеоретических аспектов эффективного использования инновационного потенциала народного хозяйства в работах Б.Ю.Ходиева, Т.Т.Джураева, Х.П.Абулкосимова, Н.М.Махмудова, А.Ф.Расулева, У.А.Мадрахимова.

Однако проводимые научно-исследовательские работы и проводимые научно-теоретические исследования в основном сосредоточены на вопросах экономического содержания инновации, наращивания инновационного потенциала, анализа факторов, влияющих на него, и разработки на этой основе прогнозных показателей. В их научных исследованиях вопросы повышения эффективности использования инновационного потенциала остаются второстепенной проблемой. Данное обстоятельство послужило основанием для дальнейшего повышения уровня актуальности проблемы и выбора данной темы.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательской работы высшего учебного заведения, в котором выполняется диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научного проекта ФМ-1 «совершенствование научно-методических основ и методов обеспечения макроэкономической стабильности и прогнозирования социально-экономического развития в Узбекистане» в соответствии с планом научно-исследовательских работ Гулистанского государственного университета.

Целью исследования является разработка предложений и рекомендаций по эффективному использованию инновационного потенциала национальной экономики.

Задачи исследования:

анализ инновационного потенциала и различных научно-теоретических взглядов, направленных на его развитие;

изучение содержания, состава, принципов реализации инновационного потенциала и факторов, влияющих на его изменение;

проанализировать состояние использования инновационного потенциала республики и сделать соответствующие выводы;

разработка зарубежного опыта эффективного использования инновационного потенциала и приоритетных направлений его применения в Узбекистане;

разработка направлений совершенствования механизмов повышения уровня использования инновационного потенциала.

Объектом исследования являются инновационные процессы в Республике Узбекистан.

Предметом исследования являются экономические отношения, возникающие в процессах наращивания и использования инновационного потенциала в стране.

Методы исследования. В процессе диссертационного исследования применялись методы диалектики, историзма и логики, анализа и синтеза, индукции и дедукции, экономико-математического моделирования, статистического, корреляционного и регрессионного анализа, научной абстракции, Naïve, Box-Jenkins, ARIMA и другие.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

целесообразность обобщенного подхода к системе показателей, представляющих компоненты национальной оценки инновационного потенциала, в частности финансовый, материальный, кадровый и результативный состав, обоснована теоретико-методологическими соображениями, в соответствии с которыми совершенствуется методика оценки инновационного потенциала;

теоретико-методическое обоснование приоритетного развития и эффективного использования национального инновационного потенциала путем формирования инновационных кластеров на основе государственно-частного партнерства, оптимального состава инновационно-промышленных кластеров и их участников;

механизм наращивания национального инновационного потенциала совершенствуется в соответствии с подходом к стимулированию инновационной деятельности частного сектора на основе финансовых инструментов, приоритетной организации подготовки инновационных кадров в регионах и воспроизводства научных кадров;

совершенствуется механизм финансирования инновационных проектов за счет организации финансово-промышленных групп и разработки системы поддержки их деятельности государством на основе денежно-кредитных инструментов.

Практические результаты исследования заключается в следующем:

разработан новый методический подход к оценке инновационного потенциала народного хозяйства;

разработаны эконометрические модели корреляционно-регрессионной зависимости между факторами, влияющими на изменение инновационного потенциала страны;

